

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола ўзбек тилига ўзлашган русча ибораларнинг таҳлилига бағишланган. Шунингдек, унда ибораларнинг ўзлашиш жараёنларининг ўзбек тилшунослигида ёритилиши масалалари ҳам баён этилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается анализу фразеологизмов русского языка употребляемых в узбекском языке. А также освещаются вопросы процесса взаимных фразеологизмов в узбекском языкознании.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of Russian phraseological units used in the Uzbek language. The questions of the process of reciprocal phraseological units in Uzbek linguistics were also investigated.

ШЕЪРИЙ МАТНДА ИНТЕРРОГАТИВ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ҚўЛЛанилиши

Т.Р.Аллаёров - мустақил изланувчи

Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ

Таянч сўзлар: тилшунослик, интеррогация, сўроқ гаплар, стандарт тил қонуниятлари.

Ключевые слова: языкознание, опрос, вопросительные слова, стандартные языковые закономерности.

Key words: linguistics, survey, interrogative words, standard language patterns.

Интеррогация сўзи “сўроқ, сўраш, савол, муаммо” деган маънони билдиради. Луғатларда шундай изоҳланади: “Оксфордский толковый словарь по психологии – *интеррогация*. Речевой акт, в котором говорящий запрашивает информацию у слушателя. Оксфордский толковый словарь по психологии. 4. Большой англо-русский словарь – *interrogative*. 2) грам. вопросительный interrogative pronoun ≈ грам. вопросительное местоимение. 3) любопытный, любознательный, задающий много вопросов Syn: *inquisitive*.”

Мазкур термин тилшуносликда сўроқ гаплар учун ишлатилади. Интеррогатив вазият нутқнинг турли кўринишларида намоён бўлади. Диалогик ва монологик нутқда қўлланиладиган интеррогатив вазият бадий матннинг лисоний қатламдорлигини таъминловчи воситалардан бири саналади. Ички нутқ муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борган В.Н.Волошинов тил фалсафасининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиш баробарида, психология ва тилшунослик фанлари интеграциясида ва бевосита тил ва тафаккур тушунчалари доирасида инсон фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Замонавий илм-фанда монологик нутққа нисбатан камида икки ёндашув мавжуд: махсус психологик, табиий ички нутқ ҳамда композицион-услубий ички нутқ (ИН2). Иккинчи ёндашув М.М.Бахтин, В.В.Виноградов, Б.А.Успенский каби олимларнинг қарашларига асосланади. Унда ички-монологик нутқ тасвирланаётган объектнинг полифоник ва жозибатор бўлишини таъминлашга қай даражада хизмат қилиши текширилади. Бадий асардаги ички нутқ табиий-психологик ички нутқдан фарқ қилиши лозим. Бу нутқ ўзига хос табиий ички нутқнинг иллюзияси ҳисобланади. В.В.Виноградов шундай ёзади: “бадий асарлардаги ички монологик нутқ натуралистик тарзда (қандай реаллашган бўлса шундай) акс этмаслиги лозим. Унда ҳар доим – ҳатто психологик аниқлик талаб этиладиган бўлса ҳам – сезиларли даражада шартлиликка амал қилинган бўлиши лозим.”

Ўзбек тилидаги сўроқ гаплар ўзига хос грамматик хусусиятларга эга. Сўроқ гапларнинг кесими, одатда, аниқлик майлидаги феълдан ясалган бўлади. Ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам сўроқ гапларнинг кесими 1- ва 3-шаксда буйруқ ва орзу-истак майлидаги феъллардан ҳам ясала олади (қачон келай? нима қилай? қачон келсин? нима қилсин?): *Нима чалиб берай, Эшон ака?* Сўроқ гаплар ҳам тасдиқ ва инкор формада келиши мумкин. Лекин сўроқ гапларда инкорнинг ишлатилиши дарак гаплардагидан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам дарак гапларда ишлатиладиган инкор гап (инкор ҳукм англатувчи) терминини сўроқ гапларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Сўроқ сўзлар (сўроқ олмошлар ва равишлар) ёрдами билан ясалган сўроқ гапларнинг ҳаммаси ҳам бўлишсиз формага эга бўлмайди. Сўроқ сўз сўроқ гапларнинг кесими бўлиб келганда, сўроқ гап ҳеч вақт инкор формага эга бўлмайди. Масалан: *Эй бобо,*

анави уч ўтов кимники? (эртакдан) *Уларнинг номи нима?* (М.Шайхзода). Сўроқ сўзлар ёрдами билан тузилган сўроқ гапларнинг айрим турлари ҳам тасдиқ, ҳам инкор формага эга бўлади. Масалан: *Нимага сенинг сизиларинг шунча сун беради?* - *Нимага сенинг сизиларинг шунча сун бермайди?* Бу типдаги сўроқ гапларни сўроқ инкор гаплар деб юритиш мумкин, лекин улар дарак инкор гапларга функцияси жиҳатидан тўғри келмайди. Сўроқ гаплар типологик жиҳатдан қуйидагича тасниф қилиш мумкин: 1.Юкламалар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. 2.Сўроқ маъносини ифодаловчи сўзлар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. 3.Оҳанг ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. Лекин унутмаслик керакки, мазкур гапларнинг ҳар бирида сўроқ оҳанги албатта иштирок этади.

Юкламалар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. Ҳозирги ўзбек тилида сўроқ асосан қуйидаги юкламалар билан ифодаланади: **–ми, –чи, –а, –да юкламаларининг бири + интонация ёрдами билан.** Ҳозирги ўзбек тилида (умуман бошқа туркий тилларда ҳам) сўроқ юкламалар баъзи хинд-европа тилларидагига нисбатан сўроқ ифодалашда актив иштирок этади. Бу юкламалардан энг маҳсулдори **–ми** сўроқ юкламасидир. Шеърий нутқда мазкур сўроқ юкламаси таъкидни кучайтириш учун ишлатилади. Таъкид айти юкламанинг такрориди янада аниқ намоён бўлади. Масалан:

Шоир!

Сен бу неъматларнинг ёқут кўркига

Боқдингми, уларга лабинг тегдингми?

Демак, сен қарздорсан.

Одамлар кўнглига

Сен ҳам битта ниҳол экдингми?

Баҳра ололдингми бир зот юраги?

Бирор қалб гўборин юва олдингми?

Сен ҳам ўз шеърларинг замиридаги

Шўр сувларни қува олдингми? (Э.Воҳидов)

–ми юкламасининг ўзбек тилида ишлатилиш доираси ниҳоятда кенгдир. Бу юклама қадимий ёзма ёдгорликларда ҳам кенг ишлатилганлигини тадқиқотчилар қайд этишади. **–ми** сўроқ юкламасининг қадимги ёдгорликларда ҳам кўп учраши бошқа барча туркий тиллар учун ҳам умумий эканлигини тасдиқлайди. Мазкур юклама қадимги туркий ёдгорликларда ҳам, эски ўзбек тилида ҳам **–му** шаклида ишлатилган. Бу юкламанинг **–му** шакли ҳозирда ҳам шеърий нутқда ишлатилади. Масалан:

Инсон юрган йўлларга атласдек узанганму?

Камалак ҳам атласдан андоза кўчирганму?

Уфқларнинг дудоғи қизарганму атласдан?

Куз ҳам атлас пардозин ўчирганму?

Навбаҳор ўз кўксини безарканму атласдан? (Б.Бойқобилов)

Шавкат Раҳмон ўз шеърларида сўроқ юкламасининг мазкур шаклини қўллаш орқали шеърда айтилган муаммонинг узок вақтдан бери ечилмай келганлигини

ва бу юрт мустиқилигидан кейингина ҳал бўлганлигини айтмоқчи бўлади. Бу юклама шоирга фикрни шунчаки таъкидди ифода учунгина эмас, айни пайтда кучли кесатик маъносини ифодалаш имконини ҳам берган. Бу шакл –ми тарзида ифодаланиши ҳам мумкин эди, фақат унда биринчи навбатда, масаланинг тарихга бориб тақалиши ҳақидаги яширин информация сезилмас эди. Иккинчидан, кесатик бу қадар аниқ ифодаланмас эди. Шу маънода Шавкат Раҳмон –мининг тарихий шаклини қўллаш билан мазкур юкламани поэтик актуаллаштира олган:

*Ўтганлар бари бек,
қолган жавдирар,
гарданда кўринмас гуллар шалдирар,
меҳнатдан ёрилган қўллар қалтирар,
ўз беким ерида юрсак майлиму?
Насимлар гулламиш озоғ тоғларда,
озодлик муждаси сўлу соғларда,
боболар қийналиб тиккан боғларда
ағанаб бир ҳаёл сурсак майлиму?*

–ми юкламаси, асосан, логик урғу тушган ҳар қандай бўлакка қўшилиб келади. Тилшунос Аюб Ғуломов –ми юкламасининг феълдан бошқа туркумдаги сўзларга, логик урғу талаби билан қўшилишини истисно деб билади ва “баъзан шеърӣ асарлардагина учраб қолади”, “жонли тилда учрамайдиган бу ҳодиса ёзув тили учун ҳам сунъийдир” дея таъкидлайди. Шеърӣ тилнинг сунъӣ тил ҳисобланишини кўпчилик тилшунослар айтиб ўтишган. Унинг сунъӣлигини тил бирликларини муайян шаклларга “зўрлик” билан солиш, стандарт тил қонуниятларидан чекиниш ҳолларининг кўпчилиги, лисонӣ аномалияларининг кўп кузатилиши билан боғлиқ дейиш мумкин. Қуйидаги парчада шоир сўроқ юкламасини феълдан бошқа туркумдаги сўзларга тушириш орқали поэтик таъкиднинг кучли ифодаланишига эриша олган.

*Ёв суқғали келгач, қиличини юрагингга,
Туш оддига, ол кўксуми — қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқга,
Юртда қоровул қўғали арслонми*

керакдир?(Фитрат)
–чи сўроқ юкламаси ҳам соф сўроқ ифодалаш учун хизмат қилади. Бу юкламанинг ишлатилиш доираси жуда тордир. –чи юкламаси гапнинг кесимиға қўшилиб кела олмайди. –чи билан ясалган сўроқ гапларда гапнинг кесими аниқлик майлидаги феълдан ясалган бўлмайди. Нуткий вазиятга кўра қани, қаерда каби сўроқ мазмунини ифодаловчи сўзлар эллипсисга учраши ва лексик воситалар билан ифодаланмаслиги мумкин. Масалан:

*- Болалар-чи?
- Қолмади ёдгор,
Менга унинг ёди кифоя.*

Ёки феълга қўшилганда сўроқ мазмуни таъкид билан бирга ифодаланади. Қуйидаги шеърӣ парчада *топа оласанми, топгин, топиб кўр* каби сўроқ ва буйруқ маъноларини таъкидди ифодалашга хизмат қилган ҳамда сўроқ гапнинг эквиваленти бўлиб келган:

*- Фикрим буюқ ишлар билан банд.
Қани, топ-чи?*

–а юкламаси гапнинг кесимиға, тўлиқсиз гапларда кесимдан бошқа бўлакка ҳам қўшилиб, сўроқ англатади. Бу юклама орқали ясалган сўроқ гаплардан ҳеч вақт соф сўроқ англашилмайди. –а ёрдами билан ясалган сўроқ гапларда сўроқ билан бирга тахмин англашилади. Бунда сўзловчи суҳбатдошининг тасдиқ жавоб беришига ишонади: *Бу тепа ўзи сизники-а?* (А.Қодирий)

–а юкламаси оғзаки сўзлашувда эшитмаганлик, тушунмаганлик ҳолатлари билан боғлиқ тарзда

қўлланилади. Суҳбатдошининг нима деганини эшитмай қолса ёки тушунмай қолган пайтда такрорлашини билдириш мақсадида мазкур юкламадан фойдаланилади. Бадиий асарда эса айни шу юклама диалогда ишлатилади ва уни шакллантиришга хизмат қилади. Масалан:

А? Кечирасан, эшитмадим. (Э.Воҳидов)

Эҳ, акажон-а, ўқшини билсам шунақа қилиб юрармидим?

Маҳмудий — Аёло даражада сомнамбула.

Матмуса — А? (Э.Воҳидов)

*Одилжон — (Унинг характерини камтаринлик ва одамохунлик деб қабул қилади ва сидқидилдан қулади.)
Матмуса Жалилович, кўчангизнинг эски номи нима эди?*

Матмуса — А... (Шапиллашиб овқатланишида давом этади.) (Э.Воҳидов)

Матмуса — ...Сизни ўзимга ўринбосар қилиб оламан.

Маҳмудий — А?! (Гандираклар диванга ўтириб қолади.) (Э.Воҳидов)

–да юкламаси билан шаклланган гапларда сўроққа нисбатан таъкид кучли ифодаланган бўлади. Баъзан –да билан бирга –а ёки бошқа сўроқ ва таъкид ифодаловчи бирликлар қўлланилиши мумкин. – Ҳалиги келинчақми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи-да? // – Ҳалиги келинчақми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи-да, а? // – Ҳалиги келинчақми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи эмасми? //– Ҳалиги келинчақми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи-ку!

Ўзбек жадид адабиётининг меъморларидан Абдурауф Фитрат ижодини кўздан кечирганимизда сўроқ гап асосида шакллантирилган шеърларнинг ниҳоятда кўп эканлигини кузатдик. Бу гап шакли маълум маънода ўзини, ўзгаларни, даврни ва жамиятни сўроқлаш учун ҳам ниҳоятда мос шакл эди. Фитрат ижодида риторик сўроқнинг энг кўп қўлланилган шакли (балки ўша давр учун характерли бўлгандир) – ми сўроқ юкламасининг кесимдан олдинги сўзда ишлатилиши ҳисобланади. Аслида меъёр бўйича *Сени қутқармоқ учун жон керакми?* тарзида шаклланиши лозим бўлган гап таъкидни кучайтириш учун *Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?* тарзида ифодаланади. Бунда сўроқ юкламаси қатнашган бўлак кучли урғу билан айтилади ва ўша сўзнинг аҳамияти ортади, поэтик актуаллаштирилади. Масалан:

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?

Номусми, виждон била имонми керакдир?

Темур била Чингиз қони тошди томуримда

Айтгил, Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?

Шеърда мухторият ғалабасининг нашъу намоси балкиб турибди. Уйғонган халқ билан биргалик туйғуси, оталар шарафи ва улар руҳи олдидаги бурч, эл-юрт хизмати сурури яхши ифодаланган. Бу каби маъноларнинг рўёбида, албатта, ундаги синтактик конструкцияларнинг ўрни катта. Айниқса, сўроқ гап шаклланининг маҳорат билан қўлланилиши оқибатида таъкиднинг кучли ифодаланиши, таъсирчанликнинг юқори даражада намоён бўлишига хизмат қилган.

Сўроқни ифодаловчи бирлик ва шакллар шоир учун ўз-ўзини сўроққа тутиш, виждонини ҳисобга тортиш, руҳий қийноқларининг сабабларини ифодалашда ниҳоятда қўл келиши билан бошқа нутқ шаклларида ажралиб туради. Шавкат Раҳмон дунёга келиб нима қилдим? Бирор ожизнинг оғирини енгиллатдимми? Ёки тўғрини ҳам эгрини ҳам кўриб турганим ҳолда кўркмасдан айта олдимми? каби виждоний қийноқларини шеърда савол шаклидаги гаплар орқали ифодалайди:

*Қўлимни бердимми мозий қағридан
чўзилган саноксиз ожиз қўлларга?!*

Қуёш далдасида эгилганларнинг
енгилроқ қилдимми оғирлигини?
Айтдимми қилларнинг асл дўстлигин,
қилларнинг ҳақиқий ёғиллигини?
Кун келди,
бошингни эгадиган кун,
ҳаттоки ўзгалар гуноҳи учун
юзингни босганча ернинг юзига,

силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун.
Мендан нима қолур,
абадий нурлар
барқ уриб яшаган дунё томонда?

Бунда шоир сўроқ юкламалари ва сўроқ
олмошларини поэтик актуаллаштириш орқали
шеърнинг таъсирчанлигини оширишга эришган.

Адабиётлар

1. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. -Т.: "Фан", 2008.
2. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1985.
3. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. –Тошкент: "Фан", 1990.
4. Уринбоев Б., Қўнгулов Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. -Тошкент: "Ўқитувчи", 1990. 219-б.
5. Фитрат А. Адабиёт қондалари. // Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4-жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалари ва тадқиқотлар. – Тошкент: «Маънавият», 2006.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбек тилидаги сўроқ гапларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари, тилшуносликда интеррогация терминининг қўлланилиши ва интеррогатив вазият нутқнинг турли кўринишларида намоён бўлиши, диалогик ва монологик нутқда қўлланиладиган интеррогатив вазият бадиий матннинг лисоний қатламдорлигини таъминловчи муҳим воситалардан бири эканлиги ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, мақолада олим ва тадқиқотчиларнинг олиб борган тадқиқот ишлари талкин қилинган ва ўзбек шоирларининг шеърларида сўроқ юкламалари ва сўроқ олмошларининг поэтик актуаллаштирилиши ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается изучению вопросительных предложений в узбекском языке, применению термина «интеррогация» в лингвистике, а также ситуаций с вопросами в различных формах речи. Использование ситуаций с вопросами в диалогической и монологической речи является одним из важных средств языкового оформления литературного текста. В статье также анализируются исследования учёных по данному вопросу и рассматривается поэтическая значимость вопросительных предложений в произведениях узбекских поэтов.

SUMMARY

The article is devoted to the study of interrogative sentences in the Uzbek language, using of the term «interrogation» in Linguistics and interrogative situations in different speech forms. Using interrogative situations in the dialogue and monologue is one of the important means of the linguistic formation of the literary-artistic text. The author of the article also analyzes the researches of the scholars on this issue and studies the poetic importance of interrogative sentences in the works of Uzbek poets.

ДЕРИВАТОЛОГИЯ НАЗАРИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ МУСТАҚИЛ СОҲАСИ СИФАТИДА

М.Д.Даниева – филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: бирлик, нуткий фаолият, дериватология, грамматика, манба, жараён, тилшунослик, тизим, синтактик, семантика.

Ключевые слова: единица, разговорная речь, дериватология, грамматика, ресурс, процесс, языкознание, система, синтаксический, семантический.

Key words: unit, oral speech, derivatology, grammar, source, process, linguistics, system, syntactic, semantic.

Тил тизимидаги ҳар бир бирлик, у қандай сатҳга оид бўлишидан қатъи назар, нуткий фаолият жараёнида, яъни лисоний яратувчанлик қобилятининг фаоллашуви натижасида ҳосил бўлади. Худди шу жараённинг кечиш шарт-шароитини, янги бирликларни ҳосил қилувчи омилларни ўрганиш назарий тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу вазифалар ижросини таъминлаш дериватологиянинг зиммасидадир.

Тил табиятининг асосий хусусиятларидан бири унинг яратувчанлик қобилятга эга бўлишидир. Дериватология назарий тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида узоқ шаклланиш тарихига эга, олимларнинг гувоҳлик беришларича, ушбу соҳанинг тарихий илдизлари анча чуқур. Қадимги грамматикага доир манбаларда, жумладан, ватандошларимиз Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замаҳшарий асарларидаёқ тил бирликлари ясалиши қонуниятлари ҳақида назарий фикрлар билдирилган. Лекин тил тизимида содир бўладиган яратувчанлик жараёнларига алоҳида эътибор Е.Курилович, Е.С.Кубрякова, Л.Н.Мурзин ва бошқа бир қатор тилшуносларнинг мавзуга доир илмий ишлари эълон қилинганидан сўнг янада кучайди. Натижада, охириги йиллар давомида дериватология тилшуносликнинг алоҳида тадқиқ соҳаси сифатида тўлиқ шаклланди. Бу соҳанинг ривожига ўзбек олимларининг ҳиссаси ҳам сезиларли бўлиб, бунинг исботини Самарқандда тўпланган дериватологлар гуруҳининг фаолиятида яққол кўриш мумкин [5].

Шунинг билан биргаликда, баъзан тадқиқотчиларнинг деривацияни ғоят тор маънода изоҳлаш ва

уни фақат сўз яшаш тизимига хос ходиса, деб қараш аънаъасидан воз кеча олмаётганликлари сезилиб туради [1:144].

Деривация жараёнининг қўламини бу тахлитда чеклаш тилнинг яратувчанлик қобиляти ва имконияти ҳам чекланган, у сўзлашишдан бошқа сатҳлар доирасида ўз кудратини намоён эта олмайди, деган нотўғри хулосага сабаб бўлиши мумкин. Айниқса, сўз бирикмалари тизимининг деривацион хусусиятлари дериватологлар эътиборини нисбатан кам жалб этаётганлиги ажабланарлидир. Кам миқдорда бажарилган ишларда ҳам асосий эътибор бирикмаларнинг синтактик тузилишига қаратилиб, уларнинг бошқа деривацион жиҳатлари (жумладан, семантик бойиши, синтактик ва маъновий кенгайиши, трансформацион имкониятларининг фаоллашуви билан боғлиқ хусусиятлари) маълум даражада унутилиб қўйилмоқда. Тадқиқотимизнинг мазкур қисмида, деривация тушунчасининг кенг маънодаги талқини аънаъасига таянган ҳолда, сўз бирикмалари тизими тадқиқида юзага келган бундай “бўшлиқ”ни баҳоли-қудрат тўлдириш вазифасини бажаришга ҳаракат қилиш ва бунда асосий эътиборни сўз бирикмалари структур-семантик тузилишидаги силжишларнинг деривацион жараёнлар, тил тизими динамикаси билан боғлиқ жиҳатларига қаратмоқчимиз.

Тилшунослар томонидан алоҳида йўналиш сифатида қабул қилинган деривация назарияси лисоний муносабатлар тизимининг яхлитлик намунаси эканлигини ифодалайди ҳамда тил системаси динамикасини таъминловчи сабабларни аниқлаш